

**111. ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИ БОШЛИГИНИНГ
ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Бўлим бошлиғи ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Низомига асосан бўлим иш фаолиятини ва унинг махсус таълим вазирлигининг Низомига асосан бўлим иш фаолиятини ва унинг бевосита бошқарувини ташкил этади бевосита бошқарувини ташкил этади, бевосита бошқарувини ,бўлим фаолиятига оид ишларни мувофиқлаштиради ва режалаштириш;
- Бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш бўйича қарор қабул қилади, юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- Бўлим ходимларининг ваколатлари, вазифаларини белгилайди,
- Низом ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги Низом ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг мажбуриятларини тақсимлайди;
- Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг хорижий давлатлар билан алоқаларини ривожлантиришга оид ишларни амалга оширади;
- Бўлим фаолиятига оид масалалар юзасидан ташкил этилган йиғилишларда иштирок этади;
- Вазирлик раҳбариятига бўлим фаолияти юзасидан ҳисобот беради, ходимларнинг малакасини ошириш, тақдирлаш, жазолаш, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича таклифларни киритади;
- Умумий раҳбарликни амалга ошириб, бўлимнинг режа-тадбирларини тузади;
- Вазирлик раҳбарияти олдида амалга ошириладиган ишлар юзасидан ҳисобот бериб боради ҳамда юқори ташкилотларга маълумотлар тайёрлайди;
- Вазирлик ҳайъати мажлисларида маърузалар қилади;
- Республикада фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари, таълим ташкилотлари, жамғармалари ва муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган йўналишларни белгилайди;
- Хорижий давлатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари, таълим ташкилотлари, жамғармалари ва муассасалари вакиллари, шунингдек хорижий делегацияларнинг вазирликда учрашув ва музокараларини ўтказишни ташкил этади;
- Хорижий ташкилотлар томонидан уюштириладиган таълим соҳасига оид тадбирларда иштирок этади;
- Олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантиришга бағишланган семинар ва конференцияларда иштирок этади;
- Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқади.

Билиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари ҳамда олий таълим тизимини тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли қисми мазмун-моҳиятини.

Малака талаблари:

- Олий маълумотга;
- Тегишли лавозимларда зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;
- Намунавий шахсий фазилатларга, маданиятлилик, етакчилик, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, катъий ҳаракат қилиш хусусиятларига;
- Тегишли лавозимларда иш стажига эга бўлиши зарур.
- Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1946.	Бўлим бошлиғи	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра